

ВАҚФГА ОИД ФИҚҲИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

*Р.М.Кенжабоева**Исломиунослик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

Аннотация: Мақолада вақфга оид фиқҳий манбалардан Хусомиддин Бухорийнинг “Китоб ал-вақф”, Сарахсийнинг “Мабсуғ”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ва бошқа китоблар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Фиқҳ, вақф мулки, вақф ҳужжати, ёрлик, гувоҳ.

Фанда ҳар қандай масала муайян асосларга эга бўлиб, вақф ҳам бундан мустасно эмас. Ислом ҳуқуқида вақф Қуръон, Суннат ва Ижмо каби асосларга таяниши таъкидланади. Маълум бир вазият тақозо этганда эса қиёсдан ҳам фойдаланилади. Қуръони Каримнинг кўплаб оятларида садақа қилишнинг фазилати ҳақида сўз юритилган бўлиб, бундай оятлар сони 25 га яқиндир. Қуръонда вақф билан бевосита боғлиқ деб ҳисобланган оят: “Ўзингиз суйган нарсдан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Нимани нафақа қилганингизни Аллоҳ билувчидир”, деган ояти карима бўлиб,¹ аксарият муфассирлар бу оятни вақф билан боғлайдилар. Айнан Қуртубийнинг “Қуръон ҳукмлари мажмуаси” тафсири ва Жассоснинг “Қуръон ҳукмлари” тафсири шулар жумласидан дейишимиз мумкин.

Исломнинг иккинчи манбаси бўлмиш ҳадисларда ҳам хайр-эҳсон қилишга тарғиб қилинган. Юқорида вақф ва хайр-эҳсон мавзусида тилга олинган ҳадисларга қўшимча равишда ушбу ҳадисни келтириш мумкин: Абу Талха юқорида тилга олинган оят нозил бўлганда “Роббимиз биздан мол мулкимизни Унинг ризоси йўлида сарфлашимизни истамоқда. Ё Расулаллоҳ, ўзим энг севган Байруҳо номли боғимни Аллоҳ йўлида садақа қилишни истаيمان”, - деди. Расулаллоҳ (с.а.в.) боғни энг яқин қариндошларига беришни тавсия қилгач уни амакисининг ўғиллари ва бошқа баъзи қариндошлари ўртасида тақсимлаб берди². Машҳур саҳоба Абу Ҳурайра қилган ривоятга кўра, Муҳаммад (с.а.в.) деди: “Қачонки инсон вафот этса, ундан унинг амали кесилади. Фақатгина уч нарса: садақаи жория, манфаат олинадиган илм ёки унинг учун дуо қиладиган солиҳ фарзанд (кесилмайди)”. Ҳадиси шарифда зикр қилинган “садақаи жория”, яъни “давомли садақа”га вақфни киритиш мумкин.

Манбаларда вақф мулкларини ёзма равишда қайд этиш илк бор саҳоба Умар томонидан амалга оширилгани айтилади. Абу Довуд Ибн Умардан ривоят қилган

1 Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолари таржимаси / таржима ва тафсир муаллифи: Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. – Тошкент: “Нило” нашриёт-матбааси, 2020. – Б.

2 Олтин силсила. Саҳихул Бухорий. ... –жуз. – Тошкент: “Нило” нашриёт-матбааси, 2018. – Б.

ҳадис куйидагичадир: “Муъайкиб ёзди: Абдуллоҳ ибн Арқам гувоҳ бўлди: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Бу Аллоҳнинг бандаси Умар амир ал-муъмининнинг васият қилган нарсасидир. Агар унга бир нарсга бўлса, Самғ, Сорма ибн Акваъ ва ундаги кул ҳамда Ҳайбардаги юз улуш рафиқи ила ва Муҳаммад (с.а.в.) унга таом учун берган водийдаги маконларга Ҳафса умрининг охиригача қарайди. Сўнгра унинг аҳлидан оқили қарайди. Сотилмайди, сотиб олинмайди, ўз қарори билан сўровчига, маҳрумга, қариндошларга нафақа қилади. Унга нозир бўлгани учун агар ўзи еса, бировга едирса ёки кул сотиб олса, танглик йўқ”³. Юқоридаги ҳадисда вақф муносабатларини амалга оширганда уни ёзма равишда ҳужжатлаштириш қонун-қоидалари келтирилган. Шундан маълум бўладики, гувоҳлар ҳозирлигида вақф қилинаётган мулк ва у жойлашган макон, вақфни бошқаришга тайинланган шахс ва гувоҳлар номи вақф ҳужжатида қайд этилиши керак. Вақф нозирига маош тайинлаш масаласи ҳам ушбу ҳужжатдан ўрин олиши зарур. Вақф муносабатларида бу қоидага кўп ҳолларда риоя қилиб келинган. Бироқ тарихда оғзаки равишда вақф қилиш ҳоллари ҳам учраган, бу эса баъзида вақф қилувчининг меросхўрлари ва вақф ҳақдорлари ўртасида тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Вақф институтининг шаклланишида, аввало Муҳаммад (с.а.в.), сўнг саҳоба ва тобеъинлар ўрнак бўлганлар. Вақф институтининг ривожланиши натижасида фикҳ илмига оид китобларда вақф масаласи учун алоҳида боблар ажратилган. Вақфнинг юқорида тилга олинган ҳуқуқий асосларидан келиб чиқиб таълимот яратилга. Вақфга оид фикҳий масалалар асосан фуруъ ал-фикҳ китобларидаги алоҳида бобларда баён қилинади. Аммо бу масалага бағишлаб ёзилган махсус китоблар ҳам бор. Ана шундай китоблар сирасига мавлоно Юсуф ибн Ҳусайн Кармастийнинг “Вақф китоби” (كتاب الوقف) асари мисол бўла олади. Ушбу китобда қирқ иккита боб ва масалалар бор. Шунингдек, шайх имом Ҳилол ибн Яҳё Басрий (ваф. х. 245 й.) ва Ҳассоф Ҳанафийнинг ҳам “Вақф ҳукмлари” (أحكام الوقف) номли китоблари бор. Ушбу икки китоб машҳурдир. Яна бошқа бир қанча уламоларнинг ҳам бу борада китоблари бор⁴.

Ҳилол ибн Яҳё ибн Салама ар-Раъйнинг “Вақф ҳукмлари” (احكام الوقف) китоби⁵ вақф мавзусида ёзилган энг муҳим ва энг қадимги китоб саналади. Китобда вақф мавзуси ҳанафий мазҳаби асосида ёритилган. Вақф мавзуси ҳам усул, ҳам фуруъ жиҳатдан ёритиб берилган бўлиб, бу усул ундан олдин тасниф этилган ҳеч бир китобда учрамайди. Ҳилол Басрий ва Ҳассоф Ҳанафийнинг “Вақф ҳукмлари” китоблари ўз даврида “Ҳилол ва Ҳассофнинг вақфи” номи

³ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Кифоя. 3-жуз. – Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2008.– Б. 329.

⁴ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналишлар ва китоблар. – Тошкент: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2011. – Б. 139.

⁵ Ҳилол ибн Яҳё ибн Салама Раъй Басрий. Китоб аҳком ал-вақф. – Ҳайдаробод: х.1355.

билан шуҳрат қозонган. Улардан кейинги вақф мавзусига бағишлаб ёзилган ҳар бир китоб мазкур икки асарга таяниб ёзилган. Ҳилол Басрий қаламига мансуб “Вақф ҳукмлари” китоби Имом Абу Ҳанифанинг вақфга берган ҳукмидан бошланади. Вақф/садақа қилувчи ўша вақтда вафот этган тақдирда бу мулк меросга айланиши ва жами мулкнинг учдан бирига (ёки ундан камроғига) тўғри келса вақф бўлиши, акс ҳолда шу нисбатга мувофиқлаштириш зарурияти келиб чиқиши айтиб ўтилади. Вақф қилувчи тирик бўлган тақдирда эса мулкни вақф қилувчининг мулкидан ажратиб олишда қозининг аралашуви лозим бўлиши қайд этилади. Сўнг Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг бу борадаги фарқли қарашлари зикр қилинади.

Вақф ва мерос мавзусининг ўзаро алоқадорликда шарҳланиши барча фикҳ ва фатво китобларида учрайди. Бунга сабаб бирор киши ўз мулкни вафотига боғлаб ёки ўлим тўшагида вақф қилса, бу вақф васият мақомида бўлади. Ислом ҳуқуқи принципларига кўра, васият қилиш мулк эгасига қарашли жами мулкнинг 1/3 қисми учун амал қилади. Киши мулкни ўлимига боғлаб вақф қилса ёки ўлим тўшагида вақф қилса, у мулкнинг жами мулкка нисбати текширилади. Агар у 1/3 нисбатда ёки ундан озроқ бўлса, ушбу васият сўзсиз адо этилади. Аммо бундан ортиқ бўлса, буни амалга оширишнинг икки хил йўли бор: фақат учдан бирини ҳисоблаб вақф қилиш ва ундан ортиғини меросхўрларга қайтариш лозим ёхуд меросхўрлар ўз ихтиёрлари билан ўз ҳақларидан кечишлари керак. Агар вақф қилувчининг бошқа мулклари ҳам бор деб ҳисобланса, у аниқ бўлгунча кутилади, боқа меросхўрлари бор деб ҳисобланса ҳам, яна у аниқ бўлгунча кутилади ва якуний ҳукм берилмай туради.

Ҳилол Басрий қаламига мансуб “Вақф ҳукмлари” китобида вақф, мерос ва васият билан боғлиқ ушбу ҳукмни мисол тариқасида келтириш мумкин: “Садақа (вақф) қилишидан олдин вафот этса мулкнинг барчаси мерос бўлиб қолаверади. Агар кишига закот вожиб бўлса ва уни васият қилмаган ҳолда вафот этиб қолса, меросхўрларга уни адо этиш лозим бўлмайди. Каффоратлари, назрлари бўлса ҳам, шундай. Уни адо этишни васият қилмаган бўлса, меросхўрларга уни амалга ошириш вожиб бўлмайди”⁶. Китобда ҳар бир масала ана шундай аниқ мисоллар билан тушунарли тарзда баён қилинган. Ўз навбатида ўхшаш саволларга ҳам жавоб бериб кетилган. Шунингдек, китобдан ўрин олган масалалар қаторида кишининг ўз уйини масжид/карвонсарой/қабристон қилиши ва ундан ўзи ҳам фойдаланиши билан боғлиқ масалалар; уй ёки ерни муҳтож бир кишига ёки кўпчиликка вақф қилиб таъмир масаласини шарт қўймаган тақдирда, мулк таъмирга муҳтож бўлса, қандай йўл тутилиши, бир фарзандига ёки барча фарзандига мулкни вақф қилганда у мулкнинг тақсимот масаласи, ўзига вақф қилиш, вақфни идора этувчи шахс (мутавалли), гувоҳлар, ҳиссали ернинг вақфи,

⁶ Ҳилол ибн Яҳё ибн Салама Раъй Басрий. Китоб аҳком ал-вақф. – Ҳайдаробод: х. 1355. – Б. 3.

касалодамнинг вақфи, камбағалларга вақф қилганидан сўнг ўз фарзанди камбағаллашиб ўша мулкка мухтож бўлиб қолса, қандай йўл тутилиши, бир қавмга вақф қилганда улардан баъзиси ёки ҳаммаси уни рад этиши, қариндошларга, қўшниларга вақф қилиганда улар орасида бойи ҳам, камбағали ҳам бўлса, қандай йўл тутилиши каби кўплаб масалалар ёритиб берилган. Китоб савол-жавоб услубида фатво жанрида ёзилган бўлиб, содда услуби ва аниқ масалаларга мукаммал жавоблар тақдим этиши билан ажралиб туради. Фикримизча, юртимиз олимлари ёки изланувчилар томонидан мазкур илмий жиҳатдан бой асарни таржима қилиб тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиниши вақфга оид илмий-назарий билимларнинг янада бойишига хизмат қилади.

Вақф масаласига бағишлаб ёзилган яна бир китоб Хусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий (х. 483-536) қаламига мансуб “Вақф”⁷ (كتاب الوقف) китобидир. Хусомиддин Бухорий “Ҳидоя” асари муаллифи Бурҳониддин Марғинонийнинг устозларидан бири бўлган. Муаллифнинг Хассоф қаламига мансуб “Қозининг одоби” (أدب القضاة) асарига ёзган шарҳи, катта ва кичик “Фатволар” (الفتاوى الصغرى والكبرى) китоблари, Шайбоний қаламига мансуб катта “Мажмуа” (الجامع الكبير) ва кичик “Мажмуа” (الجامع الصغير) китобларига ёзган учта шарҳи машҳурдир. Хусомиддин Бухорий қаламига мансуб “Вақф китоби” (كتاب الوقف)нинг биз ўз тадқиқотимизда фойдаланган нусхаси Абдуллоҳ Назир Аҳмад Музо томонидан тадқиқ этилгандир. Китобда баён қилинган мавзулардан айримлари вақфга далолат қилувчи лафзлар, вақф мулкчилиги масаласи, вақф ҳужжатида мулкчини вақф қилганини қайд этиб камбағалларга эканини таъкидламаган бўлса, қандай йўл тутилиши, ерини вақф қилиб, таъмир ва яхшилаш эҳтиёжи шу ер даромадидан қопланишини шарт қўйиш, вақфни ўзи учун ишлатиш, мулкчининг бир қисмини ўғлига ва унинг ўғлига, ўғлига ва унинг авлодларига вақф қилиш билан боғлиқ масалалар, муайян муддатга боғлаб вақф қилиш, мутаваллилик, гувоҳлик, вақфга вақф қилувчининг ўзи гувоҳлик қилиши, қариндошларига вақф қилиб улардан камбағалларига бериб бойларига бермасликни шарт қўйиш, сотиш ва алмаштиришни шарт қўйиш, касаллик вақтида вақф қилиш, соғлик вақтида мулкчини фақирларга вақф қилиши, ўзининг қариндошлари орасида эса камбағалларнинг бўлиши, бой қариндоши ва унинг камбағал фарзанди бўлган киши мулкчини камбағалларга вақф қилганида қандай йўл тутилиши, мевали хурмо дарахтлари бўлган ерини вақф қилиш билан боғлиқ масалалардир. Ушбу китоб тадқиқоти ҳам юртимизда вақф мавзусида амалга оширилаётган тадқиқотларни янада бойитишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Юқорида бевосита вақф мавзусига бағишланган ислом ҳуқуқига оид китобларни кўриб чиқдик. Энди Мовароуннаҳр фикҳий манбаларидан

⁷ Хусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий. Китоб ал-вақф. – Байрут: Райён, 2014.

айримларини ва ундан ўрин олган вақф мавзусидаги қарашларни кўриб чиқамиз.

X–XIII аср Мовароуннаҳр фикҳий манбалари ичида энг салмоқлиси Шамсул-аимма Сарахсийнинг “Мабсут” номи билан машҳур бўлган “Асл” китобидир. Бу китобдавақф бобига ўша даврда ёзилган китоблардагига нисбатан чуқурроқ ёндошилганини алиҳида таъкидлаш жоиздир. Бу даврда ёзилган бошқа айрим фикҳий манбалар Алоуддин Косонийнинг “Бадоиъу-с-саноиъ” ва Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асаридир. Фатво жанрида ёзилган китоблар қаторида “Фатавои Қозихон” ҳамда “Фатавои Ҳиндийя”ни зикр қилиш мумкин. Ушбу китобларда барча мавзулардаги фатволар жамланган бўлиб ҳар иккисиди ҳам вақф бобига алоҳида ўрин ажратилган. Айниқса, “Фатавои Ҳиндийя” китобида вақф масалалари мукамал баён этилган. Мазкур манбада диндан қайтган одамнинг вақфи, ижарага берилган ёки гаровга қўйилган мулкни вақф қилиш, тақсимланмаган мулкдаги ўз ҳиссасини вақф қилиш, вақф даромадларининг сарф этилиши, хусусан, унинг сарф этилиши жоиз бўлган ва бўлмаган ўринлар, вақфда унинг сотилишини, алмаштирилишини, вақф даромадининг ҳақдорлар ўртасида тақсимланиши, ҳақдорларнинг баъзилари вафот этганда қандай йўл тутилиши, вақфда даъво ва гувоҳлик масаласи, яъни вақф мулкининг вақф қилувчи томонидан қайтадан даъво қилиниши, бу борада гувоҳларнинг тутган ўрни, вақф ҳужжати билан боғлиқ масалалар, вақф мулкининг мусодара қилиниши, масжид ва қабристон каби омма фойдаланадиган маконлар вақфи, вақфдан фойдаланилмай қўйганда унинг даромадини бошқа йўлда сарфлаш каби масалалар ўрин олган. “Фатавои Ҳиндийя”да баён этилган фатволарда қиёслаш учун жуда кўп фатво китобларидан мисоллар келтирилган. Улар қаторида “Ғиёсийя фатволари”⁸, “Воқийоти Ҳусомийя”⁹, “Фатавои Насафий”¹⁰, “Захийра”¹¹, “Ал-фусул ал-имодийя”¹², “Татархонийя”¹³, “Хассоф”¹⁴ ва “Қозихон”¹⁵, кабиларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Мазкур фатво китобларининг барчаси ҳанафий мазҳабига оид асарлар асосида ёзилган, яъни мазкур мазҳаб таълимотини янада ривожлантириб бойитган.

IX–XIII асрларда Мовароуннаҳр фикҳ илми тараққиётининг энг муҳим марказларидан бири бўлган. Шу нуқтаи назардан мазкур даврларда

⁸ Довуд ибн Юсуф Хатиб Ҳанафий. Ал-фатово-л-ғиёсийя. – Миср: Амирийя нашриёти, х. 1321 й.

⁹ Ҳусомиддин Умар ибн Абдулазиз ибн Моза Бухорий. Ал-воқеъоту-л-ҳусомийя. – Байрут: Райён, 2014.

¹⁰ Фатово ан-Насафий.

¹¹ Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад. Аз-захийрату-л-Бурҳонийя / Қоҳира: 1994.

¹² Абус-Суъуд Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Мустафо Имодий. Ал-фусул ал-Имодийя. – Қоҳира: ал-мактабу-л-азҳарийя ли-т-турос, 2009.

¹³ Фаридуддин Олим ибн Ало Индарпатий Деҳлавий Ҳиндий. Ал-фатово ат-Татархонийя / Тадқиқотчи: Шабийр Аҳмад Қосимий. – Муродобод: Ал-жомиъа ал-Қосимийя, 2010.

¹⁴ Абу Бакр Аҳмад ибн Амр Шайбоний (Хассоф). Аҳком ал-вақф. – Қоҳира: Ас-сиқофа ад-динийя кутубхонаси, х. 1322.

¹⁵ Фаҳриддин Қозихон Ҳанафий. Фатово Қозихон (Ал-фатово ал-хонийя). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2009.

Мовароуннаҳрда ёзилган фикҳий манабалардан айримларини мисол тариқасида келтириб ўтиш жоиз. Мовароуннаҳрлик ҳуқуқшунос олимлар орасида юртдошимиз Бурҳониддин Марғиноний ўзига хос ўрин тутди. У ҳанафий мазҳабининг буюк вакили сифатида ушбу мазҳаб фикҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшган. У ўз асарида *Имом Абу Ҳанифа ва у кишининг икки шогирди Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад фикрларини далил сифатида келтириши, баъзи ўринларда эса қиёслаш билан бирга Қудурий, Қозихон, Сарахсий, Таҳовийнинг фикрларини ҳам тилга олган. Шу билан бирга “Ҳидоя”да фикҳга оид китоблардан мисоллар ҳам келтирилган. “Мабсут”¹⁶, “Мухтасар ал-Қудурий”¹⁷ ва “Фатовои Ҳиндийя”¹⁸ шулар жумласидандир.*

Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Маҳмуд Косоний (ваф. х. 587 й.) қаламига мансуб “Бадоиъу-с-саноиъ фи ат-тартиб аш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”) асари ҳам Мовароуннаҳрда ёзилган муҳим фикҳий манбалардандир. Алоуддин Косоний бу асарида боб ва фасллар тартибига жиддий эътибор қаратган¹⁹. Китоб номининг тартиблаш билан боғлаб қўйилганлиги бунинг яққол ифодасидир. Муаллиф асарда ҳар бир мавзунинг ёритишда масалаларни тизимлаштирган ҳолда баён қилган. “Бадоиъу-с-саноиъ”да, хусусан, биз кўриб чиқаётган “Вақф боби”да муаллиф бир неча олимларнинг фикрларини мисол сифатида келтирган, хусусан, Таҳовий²⁰ ва Қудурий²¹нинг китобларига кўп ўринларда мурожаат этган. Вақф боби “Бадоиъу-с-саноиъ”да уч йўналишга бўлиб таҳлил қилинган. Биринчиси – вақф ва унинг жоизлиги билан боғлиқ масалалар, ҳукмлар ва далиллар, иккинчиси – вақфнинг тўғри ва мукамал (саҳиҳ) бўлиш шартлари ҳамда учинчиси – жоиз вақф ва у билан боғлиқ масалалардан иборат²². Бошқа фикҳий китоблар қаторида бу китобда ҳам вақф мавзусига алоҳида ўрин ажратилган. Китоб бошқа кўпгина фикҳий китоблардан фарқли равишда вақфга таъриф беришдан бошланмайди. Муаллиф ўз асарида аввало вақфнинг ҳукми, яъни жоиз ёки жоиз эмаслиги масаласидан боради. Шариатда вақфнинг жоизлигини, бу борада ихтилоф йўқлигини таъкидлайди²³. Сўнг ихтилоф унинг мажбурийлиги масаласида

¹⁶Шамсуддин Сарахсий. Китобу-л-Мабсут. – Байрут: Дору-л-маърифат.

¹⁷Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон Абу Ҳусайн Қудурий. Мухтасару-л-Қудурий фи-л-фикҳи-л-ҳанафий. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя.

¹⁸Шайх Низом ва б. Ал-фатово-л-ҳиндийя. Дору-л-фикр нашриёти, 1991.

¹⁹Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиъу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6-жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1997.

²⁰Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Салома ибн Салма Аздий Таҳовий. Мухтасару-т-Таҳовий / Тадқиқотчи: Абу Вафо Афғоний. – Ҳайдаробод.

²¹Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамдон Абу Ҳусайн Қудурий. Мухтасару-л-Қудурий фи-л-фикҳи-л-ҳанафий. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя.

²²Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиъу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6-жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1997. – Б. 218.

²³Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмуд Косоний. “Бадоиъу-с-саноиъ фи-т-тартиби-ш-шароиъ” (“Дин ҳукмларини тартиблашда гўзал санъатлар”). 10 жилдлик. 6-жилд. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмийя, 1997. – Б. 218.

эканини айтиб ўтади. Вақфнинг мажбурийлиги масаласи юқорида “Ҳидоя” асари мисолида тилга олинди. “Бадоиъ”да ҳам бу борада Абу Ҳанифа ва икки имомнинг қарашлари фарқли экани таъкидланган. Сўнг ўлим тўшагида ётганда вақф қилиш ҳукмларини баён қилиб, бу ҳолатда вақф қилувчи мерос қолдирувчи ўрнида эканини, бинобарин жами мулкнинг учдан бир қисмини вақф қила олишини қайд қилган. “Бадоиъ”да мажбурийлик масаласидан сўнг вақф қилинган мулкнинг тасарруфи кимга тегишли бўлиши таҳлил қилинади. Кўприк, карвонсарой каби маконлар вақфига алоҳида урғу беради.

Ислом оламининг машҳур фақиҳларидан бўлмиш Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий қаламига мансуб “Мабсут” асари Мовароуннаҳрда ёзилган йирик фикҳий манбалардан саналади. Сарахсий кўп ўринларда “Соҳибу-л-Мабсут” номи билан тилга олинади²⁴. Сарахсийнинг бу китобига машҳур олим Абу Фазл Муҳаммад ибн Аҳмад Марвазийнинг (ваф. ҳ. 334 й.) “Кофий” асари асос бўлган. “Мабсут”да турли фикҳий масалаларни таҳлил этишда машҳур уламоларнинг фикрларидан фойдаланилган. Абу Ҳанифа, Имом Молик, Абу Юсуф, Муҳаммад ибн Ҳасан, Имом Шофиъий, Ҳасан ибн Зиёд, Хассоф, Ҳилол кабилар шулар жумласидандир. “Мабсут” асарининг қаламга олиншига сабаб бўлган ушбу воқеа машҳурдир: Имом Муҳаммад Шайбоний Имом Аъзамнинг дарс ҳалқаларида берган фатво, ижтиҳод ва изоҳларини ёзиб борар эди. Бу ёзувлар вақт ўтиб Имом Муҳаммад томонидан “Мабсут”, “Ал-жомиъу-л-кабир”, “Ал-жомиъу-с-соғир”, “Ас-сияру-л-кабир”, “Ас-сияру-с-соғир”, “Зиёdot”, “Зиёdotу-з-зиёdot” номлари билан китоб қилинди. Тавотур даражасида нақл қилинган мазкур китоблар зоҳиру-р-ривоя²⁵ деб ҳам номланади. Бу китоблар жуда катта ҳажмли бўлгани учун Ҳоким Шаҳид Марвазий уларни қисқартириб “Кофий” (“Мухтасар”) асарини ёзган. Сарахсий эса бу китобнинг жуда қисқалиги учун тушунарсиз эканини ҳисобга олиб “Мабсут”ни ёзган. Тадқиқотчилар “Мабсут”нинг “Кофий”га ёзилган шарҳ эканини таъкидлашган. Бироқ “Мабсут” фақат “Кофий”нинг шарҳи эмас. Муаллифнинг асарда ишора қилган сўзларидан, “Мабсут” Имом Муҳаммад Шайбонийнинг асарларига ёзилган шарҳ эканини тушуниш мумкин. Бу китобнинг юқорида таҳлил қилинган “Ҳидоя” ва “Бадоиъу-с-саноиъ” асарларидан кўра анча йирик ҳажмли экани ва унда фикҳий масалаларга анча чуқур ёндошилгани ҳам шу билан боғлиқдир.

“Мабсут” ислом ҳуқуқига оид масалалар бетарафлик асосида тизимли таҳлил қилинган илк асардир. Мужтаҳидларнинг фикрлари, далиллари ва бу далилларнинг санади, улардан ҳукм чиқаришда қўлланган асос, қарши фикр

²⁴ Қори Али ибн Султон Муҳаммад. “Ал-асмор ал-жанийя фи асмоъ ал- ханфийя”. – Бетна: “Худобахш”, 2002. – Б. 268.

²⁵ Зоҳир ар-ривоя – Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг кучли қавллари. <https://islom.uz/maqola/12946>

билдирганларнинг фикрлари ва асослари тизимли равишда бериб борилган. Асосан Абу Ҳанифанинг фикр ва далилларини келтирган бўлса-да, муаллиф баъзи ўринларда ўз фикрини ҳам баён этган. Муаллиф мавзуларни классик асосда тартибга солган. Бир мавзунини ёритаётган бошқа мавзуга ҳам боғлаб шарҳлар тақдим этган. Ҳар бир мавзу охирида шу мавзу билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда қўлланган принципларни, улар асосида олинган натижаларни қаламга олган. Бу усул бошқа мавзулар қаторида вақф бобида ҳам ўз аксини топган. Вақф боби бошқа барча замондош фикҳий китобларга нисбатан ниҳоятда кенг ва батафсил ёритилган.

Умуман олганда, юқорида вақф муносабатларининг ҳуқуқий асослари бўлмиш Қуръони Карим, ҳадислар ва фикҳий йўналишдаги китобларни санаб ўтдик, баъзи масалаларда берилган мисолларни ҳам келтирдик. Шунини таъкидлаш лозимки, номи зикр этилган фикҳ китобларининг барчасида вақф масаласи у ёки бу нуқтаи назардан ёритиб берилган. Вақф борасидаги айнан ана шу ёндашувларни бугунги кунда тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, уларнинг ҳар бири вақфга оид муҳим манбалардандир.